

ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДАГИ ДЎСТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ **(“Ўткан кунлар”даги уста Алим образи мисолида)**

З. Мамадалиева
ЖДПИ ф.ф.н
Р. Саттаров
ЖДПИ магистр

Қодирийнинг романлари ҳақида адабиётшунослигимизда Жўржи Зайдоннинг романидан ижодий таъсирланиш туфайли дунёга келди, деган караш устунлик қилади. Бироқ ундаги кўпгина ўринлар, образлар ва ривоя тарзи мумтоз адабиётимиздан озуқа олиб яратилганлиги йаққол кўриниб турибди. Жумладан, ҳар иккала романида “дўст” образи ўзига хос қиёфа касб этган.

Дўст образи улуғ Навоийнинг жаҳон адабиёти ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллаган “Хамса” асарида ўзига хос ўрин тутган, аҳамиятли образлардан саналади. Жумладан, “Хайрат ул-аброр”нинг вафо ҳақидаги ҳикоятида икки вафоли дўст садоқати мадҳ этилиб, уларнинг жўмардлиги жонларини асраб қолишга сабабчи бўлганлиги айтилади.

“Фарход ва Ширин” достонида Шопур образи Фарходнинг дўсти бўлиб, то умрининг охригача у билан ҳамнафас ва мададкор бўлади. “Лайли ва Мажнун”даги Мажнунга жон ели каби бўлган Лайли номасини олиб боргувчи ва маъшуқага ошиқ хабарини берувчи Зайд ҳам шундай садоқатли ва вафоли дўстлар сирасига киради. “Сабъаи сайёр”даги Баҳромга маъшуқа суратини кўрсатиб, унга ишқдан таълим берган Моний ҳам унга умрбод ҳамдам ва ҳамнафас бўлган.

“Ўткан кунлар” романида ҳам мана шундай умрбод бирга бўлгувчи жон дўст образи акс этган. Бу образ романда унча кўп иштирок этмаса-да, ундаги аҳамияти билан асосий образлар қаторига киради.

Бу образни биз илк бор Отабекнинг ёр остонасидан ҳайдалган ва хижрон кўчасида сарсон юрганлиги лавҳасида кўрамыз. Қоронғу кўчада адашган “мен... бир мусофир ғариб”, деб ўзини таништирган бегонани уйига таклиф этган бу қаҳрамон билан танишамиз: “Киши Отабекни ўтқузгач,

тоқчадан сопол лаган билан қовуқни олиб, чакмоқ сурди. Шамъ ёқилди. Бу киши қирқ беш ёшлар чамалиқ, қонсиз юзлик, сийраккина соқоллик, қўй кўз, кўб вақт мадраса риёзатини чекканнамо, қотма, узун бўйлик бир одам эди. Айвоннинг палос ва асбобларида унча бойлик кўринмаса ҳам пухта, озода, чирк юктурулмаган йўсунда йиғиштирилганлигидан эгасининг ринд табиъатлик эканига шаҳодат бермакда эди”.¹

Бу манзара ва портрет чизгиси билан биз романнинг янги қаҳрамонининг ташқи оламини таниймиз. Унинг ички олами билан ҳам худди шу лавҳада, ўз тақдири, муҳаббати тарихини сўзлаб бераётганда ошно бўламиз. Бу одам севимли ёридан бевақт жудо бўлган ва унинг ёди билан яшаётган, ҳалол ва жўмард инсон – уста Алим эди.

“Ёнбошлангиз, бек, - деди, бошлаб ўзи ёнбошлади. Отабек ҳам унга эргашди. Иккисининг орасидаги шамъ ел билан ўйнашибгина нур сепар, иккиси ҳам сўз қўйишқандек шамъга кўз тикилиб қандай ўйғадир берилгандек эдилар”.² Бу ўринда иштирок этган шам деталли ҳақиқий дўстлик рамзи бўлиб, янги танишларнинг унга термулиб сукут сақлаши, бу икки йигитнинг ҳаммаслақ, ҳамқисмат бўлишларига ишора бўлиб хизмат қилмоқда. Дарвоқе, сўзлашув пайтида уста Алим ўзини “ёр қабри устида ёнган шамъда ўзини ҳалок қилғувчи бир парвона” деб атайди.

Шундан сўнг Отабек ҳар сафар Марғилонга келишида уста Алимникида қолар, ҳар сафар унинг мунгли муҳаббат қиссасини тинглар, у билан бўлса, ўзининг ҳижрон ва аламлари биров бўлса-да енгиллашарди. Лекин дўстнинг вазифаси фақатгина дўстининг дардини енгиллаштириш эмас, балки унга даво топишдир. Уста Алим ҳам балки Отабекнинг дардига даво топармиди?! Агар у дарини айтганда... Лекин тақдирни қарангки, Отабек айнан шу ҳижрон ва айрилиқ дардига чорани шу ерда – дўст уйида, уста Алим билан уста Фарфининг суҳбатинда топади. Топади ва бу чорани ўзи амалга оширади: ғирром ва айёр – Ҳомид бошчилигдаги рақибларини йўқ

¹ Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. Б – 186.

² Шу асар. Б – 190.

килади. Бироқ уч кишини ёлғиз ўзи енгган шер йигит ёр остонасига боришга келганда истиҳола қилади. Мана шу ўринда уста Алимнинг дўстлиги яна бир марта аён бўлади. У Мирзакарим кутидорга бўлган воқеани айтиш билан кифояланмай, Кумушга Отабекнинг мактубини етказади:

“Шамъ чиқишини кутгандек уста Алим бошини қуйи солиб ўлтурар эди. Кутидор “нима юмишинг бор эди менда” дегандек қилиб унга савол назари билан кўз ташлар ва қуръон тингловчи кишидек бўлиб ўлтурғувчи мажҳул кишидан таажжубланар эди. Ниҳоят шамъ келиб токчага қўйилғач. Уста Алим муроқабадан бошини кўтариб, кутидорга қаради...

- Мендан таажжубландингиз, - деди ва қўйнидан мактубларни чиқариб, биттасини кутидорга узатди, - мендан ҳам бу мактуб ажаброкдир, - деб кулди. Кутидор хатнинг унвонига кўз югуртириб чиққач, уста Алим айтганидек таажжуб ичида хатни очди... ўқуб битиргач, ул даҳшат ва таажжуб ичида тошдек қотиб қолган эди... ”³ Бу ўринда шамъ эзгулик, ёруғлик хабарчиси вазифасини бажараётгани каби, уста Алим шамдор, яъни эзгулик элчиси, ёруғ кунлар даракчиси, оила бошига тушган зулматларни ёритувчи вазифасини бажармоқда. Дарҳақиқат, уста Алим томонидан келтирилган хушхабар бу оила бошидаги зулматларни ёртилади.

Шу билан бу образнинг романдаги хизмати тугугандай кўринади. Сабаби, воқеалар ривожини энди Тошкентда, Отабеклар хонадонида давом этади. Лекин романнинг охирида Қодирий яна уни эсимизга солади. Кумуш вафотидан кейин ота уйини ташлаб, Марғилонга кетган Отабек бир йилдан сўнг уста Алим билан Тошкентга келганини, уйда бир ҳафта туриб, у билан бирга қайтиб кетгани ҳақида маълумот беради. Демак, у Марғилонда уста Алимникида яшаган. У билан ҳамдард, ҳамроҳ бўлган. Ҳар иккиси ёр қабри устидаги шамъга парвона бўлишни улуғ мақсад билишган.

Самимий ва ягона муҳаббатларини ҳаётнинг мазмуни деб билган бу йигитларнинг мақсади тез орада амалга ошадики, биз буни романнинг

³ Шу асар. Б –258.

сўнггида – Юсуфбек хожи амири лашкар Қаноатшонинг Авиё отадан ёзган хатидан билиб оламиз:

“Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қахрамонона уришиб, шаҳид бўлди. Мен ўз қўлум билан иккисини дафн этдим...”⁴ Гарчи иккинчи шаҳиднинг номи айтилмаган эса-да, зийрак ўқувчи, уларнинг иккинчиси уста Алим эканлигини сезади. Ҳа, ёр қабридаги шамга парвона бўлишни хоҳлаган дўстлар бир кунда, бир пайтда Ватан йўлида шаҳид бўлишди.

Бир кўринишдан романдаги воқеалар ривожига аҳамиятга эга бўлмаган, баъзи синчков бўлмаган ўқувчининг кўзига кўринмай ҳам қоладиган уста Алим образида биз Қодирийнинг ўткир қалимида мумтоз адабиётдаги дўст образининг бирча хусусиятларини кўрамиз:

1. Мумтоз адабиётда дўст образининг вазифаларидан бири ошиқ-маъшуқларнинг мактубларини бир-бирига етказиш ҳисобланади. “Фарҳод ва Ширин”даги Шопурнинг ҳам, “Лайли ва Мажнун”даги Зайднинг ҳам биринчи навбатдаги вазифалари севишганларга мактуб етказиш эди. Уста Алим ҳам, кўриб ўтганимиздек бу ишни ўз вақтида ва ўз ўрнида адо этади.

2. Мазкур образининг яна бир асосий вазифаси, ошиқ дўсти дардига даво бермоқ, яъни унинг ёр висолига етиши учун ёрдамлашмоқ, керак бўлса бу савоб йўлда жон фидо этмоқдир. Фарҳод ҳам, Зайд ҳам, ҳатто Баҳром учун қурдирилган етти қасрнинг бош меъмори сифатида Моний ҳам бу вазифани бажарганлар. Уста Алим ҳам Мирзакарим қутидорга Отабекнинг қилган ишлари ва ёзган мактубини етказиш воситасида романда айнан шу вазифани бажаради.

3. Образнинг яна бир вазифаси, дўст билан умрбод бирга бўлишдир. Шопур, ҳатто Фарҳод вафотидан кейин ҳам унинг қabri устида мувожир бўлиб қолади. Қодирийнинг мўъжизавий қалами Уста Алимга бу вазифани ҳам юклагани, буни жуда чиройли ва сирли адо этганлигига гувоҳ бўламиз.

⁴ Шу асар. Б – 377.

Хулоса қилиб айтганда, Қодирий мумтоз адабиёт намуналаридан таъсирланган ҳолда ўзи айтгандай, “халқимизни шу замоннинг “Чор давешлар”и, Фарҳод ва Ширинлар”и, “Баҳромгўрлар”и билан таништиришга ўзида мажбурият”⁵ ҳис қилган ва бу вазифани муваффақият билан адо этган.

⁵ Шу асар. Б –6.